

Китоб ўқиган, ўзининг устида ишлаган одамда қанот бўлади. У бефарқ бўлмайди. Унинг кучи билимида бўлади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ishonch

YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA
BIRLASHAYLIK!

2026-yil,
17-yanvar,
shanba
№9
(5229)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri



МИЛЛАТ ҚАНОТИ УЧУН ҚАЙЎУРИШ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 15 январь куни «Китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва аҳоли ўртасида китоб ўқишга қизиқишни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Унга қўра, барча вазирлик ва идораларда:

- ✓ 2026 йил 1 мартга қадар тегишли соҳа бўйича тавсия этиладиган касбий фаолиятга оид адабиётлар рўйхати шакллантирилади;
- ✓ ҳар йили камида 3 тадан касбий фаолиятга оид хорижий адабиётларни маҳаллий нашриётлар орқали ўзбек тилига таржима қилиб, малакали мутахассислар иштирокида уларни изоҳлар, луғат ва мисоллар билан бойитиш амалиёти жорий этилади;
- ✓ 2026 йил 1 апрелга қадар ўзида ва тизимидаги ташкилотларда «Китоб бурчаги» ташкил этилади ва ходимлар учун ҳар ойда «Китоб ўқиш соати» йўлга қўйилади;
- ✓ китобхонлик бўйича ички рейтинг тизими жорий этилади;
- ✓ танлов асосида энг кўп китоб ўқиган ходимга 1 ойлик иш ҳақи миқдорида пул мукофоти берилади.

Шунингдек, энг кўп китоб ўқиган топ-100 таликка қирадиган ўқувчи ва талабаларнинг ҳар бирига БҲМнинг 25 баравари миқдорида пул мукофоти берилади.

СУРАТДА: Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабалари.
Қувончбек Тўраев олган сурат

Тадбир

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши «Заркент» санаторийида семинар ташкил этди. Унда Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномаси доирасида бажарилиши лозим бўлган вазифалар муҳокама қилинди.

ҲАМ ЎҚУВ, ҲАМ САЁҲАТ

Ўқувда, шунингдек, таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Нозима Мирсалимова ҳамда кенгаш раиси ўринбосари Абдор Отабоев жамоа музокараларини ташкил этиш ва жамоа шартномаларини қабул қилиш тартиби ҳусусида батафсил тушунчалар берди.

– Семинар ҳар тарафлама манфаатли бўлди, – дейди Дангара туманидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернат касабакўми Азизжон Азимов. – Фаолиятимизда кўп учрайдиган масалалар бўйича атрофда маълумотларга эга бўлдик. Айниқса, интерактив ўйинлар ва савол-жавоб тарзидаги баҳслар билимимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилди. Муҳими, ўқиш баҳона мана шундай сўлим ва баҳаво сўхаттоҳда дам олдик.

Ўз мухбиримиз

«103» – ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ ХИЗМАТИ: КУНИГА ЎРТАЧА

39 178

ТА

МУРОЖААТ

Маълумотларда қайд этилишича, бажарилган чақирувларнинг аксарияти, яъни

10 218 037 таси

шошилиш кўрсатма билан, шунингдек, сурункали касалликлар –

3 856 901 та

ва туғуруқлар –

100 453 тани

ташкил қилган.



Статистика

Республика тез тиббий ёрдам маркази маълумотларига қўра, 2025 йил давомида мамлакат бўйлаб «103» – тез тиббий ёрдам хизматида жами

14 299 948 та

чақириқ келиб тушган. Бу бир кунда ўртача 39 178 та мурожаат деганидир.



Энг кўп мурожаатлар:

Тошкент шаҳри
Фарғона вилояти
Андижон вилояти
Сурхондарё вилояти
Наманган вилояти

– 1 462 006 та;
– 1 455 255 та;
– 1 344 151 та;
– 1 335 614 та;
– 1 328 391 та қайд этилган.

Энг кам чақириқ эса

Навоий вилояти
Сирдарё вилояти
Жиззах вилояти
Бухоро вилояти
Хоразм вилояти

– 416 210 та;
– 456 803 та;
– 561 894 та;
– 678 499 та;
– 688 594 та қўзатилган.

Маълумот ўрнида:

охирги 8 йил мобайнида «103» хизмати шохбчалари сони **818 тадан 1 680 тага**, тез тиббий ёрдам бригадалари **1 648 тадан 2 865 тага** етказилган. Шунингдек, электрон автоматлаштирилган бошқарув тизими жорий этилиши ҳисобига бригадаларнинг чақирувга етиб бориш вақти 25-30 дақиқадан 10-15 дақиқачага қисқарган.



Соғлиқни сақлаш
вазирлиги
Матбуот хизмати



КЎЧМА КОНТЕЙНЕРЛАР

нега «заправка»ларга газ етказиб бермаяпти?

Ҳар йили қишда метан «заправка»ларидаги вазият жиддий муаммага айланади. Масалан, ҳозир ҳам водий вилоятларида метан қуйиш шохбчалари ишламаяпти. Ҳолбуки, соҳа мутасаддилари мавсумга жиддий тайёргарлик кўрилганини, бу борада камчиликлар бўлмаслигини айтишганди.

Муаммага ечим сифатида агар шохбчаларда босим тушиши қўзатилса, автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохбчалари (АГТКШ) кўчма контейнерлар орқали газ билан таъминланиши ва бунинг учун Хитойдан кўчма контейнерлар олиб келинган ҳам маълум қилинган.

Шунингдек, газ танқис пайтда Андижон вилоятида 17 та, Фарғонада 19 та, Наманганда 14 та туман учун биттадан, водий вилоятлари учун жами 50 та метан «заправка» ишлаб туриши, улар кўчма контейнерлар орқали газ билан таъминланиши айтилган.

2025 йил 11 декабрь куни Энергетика вазирлиги Жўрабек Мирзамаҳмудов Парламент мажлисидаги чиқишида ушбу масалага тўхталиб, «Бу йил янги ташаббус ташкил қилинди. Газ таъминоти энг оғир, босим энг паст бўладиган ҳудудимиз – Фарғона водийсида иккита йўналишда иш ташкил қилдик. Бирин-

чиси, қўшни давлатдаги мавжуд транзит қуввурдан фойдаланган ҳолда, яқинроқ масофадан, яъни Ховос – Фарғона линиясидан газ билан таъминланапти. Иккинчиси, биз газ қуйиш шохбчаларига газ ташийдиган 150 та кўчма контейнерни олиб келдик», деган эди.

Янги йил арафасида газ қуйиш шохбчаларидан чекловларнинг олиб ташланиши кўпчиликини хурсанд қилган. Лекин санокли кунлардан сўнг улар яна жорий қилинди. Водийда 7 январдан метан заправкалар қайта ёпилди.

Жамшид ЭРТАШЕВ
«ISHONCH»

Муносабат

ҲАРБИЙЛИК МУВАФФАҚИЯТ ЙЎЛИДИР

Президентимиз, Қуролли Қучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида 13 январь куни Хавфсизлик кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди. Унда баён этилган фикрлар Янги Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришлар Миллий армиямизни ҳам тўла-тўқис қамраб олганини исботлади. Таъкидланганидек, соҳада янги тактик усуллар изчил қўлланилмоқда. Натижада машғулотлар сони ва шиддати 1,5 баробарга ошди. Учувчисиз учиш аппаратлари бўлиnmалари шакллантирилиб, мазкур йўналишда мутахассислар тайёрлаш маркалари ташкил этилди. Бу ишлар Ватанимиз сарҳадлари дахлсиз эканидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбарининг соҳада сунъий интеллект, рақамли бошқарув, узоқ масофага юқори аниқликда зарба берувчи воситалар, робототехнологияларни кенг жорий этишга оид топшириқлари нафақат ҳарбий хизматчилар, балки халқимизни ҳам бирдек қувонтирди. Зеро, дунё инсонпарварлик тамоийлларидан юз ўтираётган, босқинчилик урушлари, геноцид, мамлакатлар суверенитетига таҳдидлар кучаяётган бугунги кун юртимиз мудофаа қудратини оширишни тақозо этмоқда. Аслида техника ва технологиялар қанчалик ривожланмасин, инсоннинг интеллектуал салоҳиятисиз қутилган натижага эришиб бўлмайди. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг ҳарбий хизматчилар ўртасида ўтказиб келинаётган кўпкураш, қўл жанги, оғир атлетика каби спортнинг 10 дан ортиқ анъанавий турлари билан бирга киберспорт, робототехника йўналишларида мусобақалар, уч босқичли китобхонлик танловлари уюштириш, ҳарбий қисм ва муассасаларга 1 миллион нусхада бадий ада-

биётлар етказиб беришга доир тақлифлари айни муддао бўлди. Қолаверса, ҳар йили «Бир миллион дастурчи» ва «Беш миллион сунъий интеллект етакчиси» дастурлари доирасида 5 минг аскарни ўқитиш, мударатли ҳарбий хизмат ўтаётган ёшларга ҳарбий қисмнинг ўзида олий ўқув юртига кириш имтиҳонларини топшириш, хизматдан қайтган ёшларга фойизсиз таълим кредитлари ажратиш, уларнинг хорижий тил ва фан сертификатларини олиш ҳамда касб-хунар эгаллаш харажатларини қоплаш чоралари қўрилаётгани мамлакатимизда ёшлар сиёсати янги босқичга кўтарилаётганидан далолатдир. Сирасини айтганда, эндиликда мударатли ҳарбий хизмат ўташ – ёшлар учун муваффақият йўлига айланади. Йиғилишда Президентимиз 1 апрелдан Мудофаа вазирлиги офицерларига кўп йиллик хизмати учун устама миқдори 2 қарра, контракт асосида хизмат қилаётган оддий аскар ва сержантларнинг ойлик маоши 10 фойизга, мудофаа ишлари бошқарма

ва бўлимларининг ҳарбий бўлмаган хизматчилари ойлиги бу йил 20, келаси йили 50 фойизга оширилишини маълум қилди. 30 йилдан ортиқ хизмат қилган ҳарбийлар учун эса пенсия ҳисоблашда инобатга олинадиган ойлик миқдори 75 фойиздан 100 фойизга етказилиши, ҳарбий хизматчилар учун уй-жой қурилиши кенгайтирилиши таъкидланди. Ушбу савй-ҳаракатлар ҳарбий хизмат нуфузини янада ошириши шубҳасиз.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, замонавий хавф ва таҳдидларнинг мазмуни ва қўлами кундан-кунга ўзгариб бораётганини инобатга олиб, саккиз йил олдин қабул қилинган Мудофаа доктринаси ҳамда 1997 йилдаги Миллий хавфсизлик концепциясини қайта қўриб чиқиш вақти келганига ургу берди. Янги доктрина мамлакатимиз ҳеч қайси ҳарбий блокка қўшилмаслик мақомини сақлаб қолиши, кўп томонлама дипломатияга таяниши, юқори технологияларга асосланган стратегия, ҳарбий мустақиллик ва минтақавий барқарорлик йўналишида ривожланиши кераклиги ўқтирилди.

Тизимда амалга оширилаётган ислохотлардан қўзланган асосий мақсад Ватанимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни сақлаш, халқимизни ташки таҳдид ва хавотирлардан ҳимоя қилишдир.

Нусуратулло ПАРДАЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгаши раиси, сенатор

Кўнгил қулфи маҳранинг қулфи тил ва гулфин калитин сўз бил.

Алишер Навоий

Фаолият

Кундалик ҳаётимизда ҳар жабҳада меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида кўп эшитамиз. Зеро, ишлаб чиқаришда инсон хавфсизлигини таъминлаш муҳим вазифа бўлиши керак.

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Термиз давлат университетида бу борадаги ишлар яхши йўлга қўйилган. Профессор-ўқитувчилар, ишчи-зиёлиларни қабул қилиш жараёнида улар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича лавозим йўриқномаси билан таништирилиб, махсус китобларда қайд қилиб борилади.

Университет меҳнат муҳофазаси муҳандиси Сухроб Отамуродов, тегишли масъуллар ва мен касаба уюшмаси қўмитаси раиси сифатида ўқув ва ёрдамчи биноларда меҳнат ҳамда ёнгин хавфсизлиги қоидалари бўйича ишчи-ҳодимларга кўрсатмалар бериб келяпмиз. Шунингдек, талабаларга ошхона жиҳозларидан фойдаланиш, исгази чиқишининг олдини олиш, электр жиҳозларидан тўғри фойдаланиш бўйича тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Жумладан, яқинда иш режамизга асосан профессор-ўқитувчилар ва масъул мутахассислар томонидан ижара хонадонларда яшаётган талабаларнинг яшаш шaroитлари ўрганилиб, уларга бўш вақтини мазмунли ўтказиш бўйича фойдали тавсиялар берилди, газ ва электр жиҳозларидан хавфсиз фойдаланиш қоидалари тушунтирилди. Хонадон эгалари билан куз-қиш мавсумини талафотсиз ўтказиш, талабалар учун қулай ва зарур шарoит яратиш хусусида суҳбатлашилди.

Меҳнат хавфсизлиги ва фавқулодда ҳолатлар доира-

сида ўтган йили тегишли ташкилотлар билан ўнга яқин тадбир ва давра суҳбатлари ташкил этилди. Бундан ташқари, профессор-ўқитувчилар, ишчи-ҳодимлар ҳамда талабаларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун 1300 дан ортиқ маънавий-маданий тадбирлар ўтказилди. Ногиронлиги бор талабалар учун махсус йўлакчалар барпо қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли кўрсатмасига биноан ҳар ойнинг бир шанбаси ёки якшанбаси «Оила ва меҳнат жамоаси билан саёҳатга чиқиш кун» сифатида белгиланган. Шунга қўра, профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшлар вилоятимизнинг қадимий ва тарихий масканларини зиёрат қилиб келишди.

Ишчи-ҳодимларнинг соғлом меҳнат фаолиятини ташкил қилиш мақсадида университетда бир врач ва икки нафар ҳамшира штaғи жорий қилинган бўлиб, йилда бир марта тиббий кўрикдан ўтиш йўлга қўйилган. Хусусан, бўлтур ўқув даргоҳимиздаги барча хотин-қизлар бепул чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди.

Сирасини айтганда, ҳодимларимиз саломатлигини асраш, уларга қулай меҳнат шарoитлари яратиш ишлари доимо эътиборимизда.

Самад НИШОНОВ,
Термиз давлат университети касаба уюшмаси қўмитаси раиси

Огоҳлик

РАҚАМЛИ ТАҲДИДЛАРГА БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК!

Сўнгги йилларда дунёда кибержиноятчилик жадал суръатларда ривожланмоқда. Маълумот базаларини бузиш, тўлов реквизитларини алмаштириш, раҳбарлар номидан қалбаки хатлар юбориш, вирусли дастурлар билан компьютерларни зарарлаш каби ҳолатлар кўпаймоқда. Афсуски, бундай кўнгилсиз жараёнлардан йирик корпорациялар, давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари тўлиқ ҳимояланган эмас. Бундай вазиятда касаба уюшмаси қўмиталари раҳбарлари ва ҳисобчилари ҳам ҳамиша хушёр бўлишлари керак.

Илмий тадқиқотлар ва халқаро киберхавфсизлик маркалари маълумотларига қўра, киберхужумлар сони йилдан-йилга кескин ошиб бормоқда. Айниқса, молиявий сектор ва жамоат ташкилотларига хужумлар кўп кузатилмоқда. Бу эса, нафақат шахсий маълумотларни, балки иқтисодий барқарорликни ҳам хавф остига қўймоқда.

Барча огоҳликка чақирилаётган бундай вазиятда касаба уюшмалари ва уларнинг ходимлари ҳам электрон почта орқали келаётган номасълум ёки шубҳали хатлар, файллар ва ҳаволаларга жиддий эътибор беришлари лозим. Зарарли ёки нотаниш файл ва ҳаволаларни очмаслик, шубҳали манбалардан келган электрон хабарларга ишонмаслик, ҳаттоки сизга юборилган хат расмий кўринса-да, яъни унда давлат идоралари логотипи мавжуд бўлса ҳам, юбуровчининг манзили ва номини албатта, текшириш шарт. Шунингдек, электрон рақамли имзо калитлари ёки интернет-банк маълумотларини ҳеч қачон бегона шахсларга бермаслик, улардан фойдаланиб бўлгач, компьютерни ўчириб қўйиш киберхавфсизликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда киберхавфсизлик масалалари қонунчилик билан мустаҳкамланган. Хусусан, «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги қонун,

давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 15 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг ахборот тизимлари ва ресурсларини ҳимоя қилиш давлат тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда «Ўзбекистон Республикасида киберхавфсизликни таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинган. Хужжатларда ахборот тизимлари ва ресурсларини ҳимоя қилиш, рақамли интизомни шакллантириш ва давлат сиёсати талабларини жойларда амалга ошириш назарда тутилган. Лекин энг пухта қонун ҳам амалда қўлланилмаса, қутилган натижани бермайди. Шу боис касаба уюшмаси қўмиталарида киберхавфсизлик талабларига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиши керак.

Маълумки, касаба уюшмаларида ҳисоб юритувчи ходимлар аъзоларнинг шахсий маълумотлари, ижтимоий тўловлари ва молиявий ҳисоботлари билан ҳам ишлайди. Мабодо, бундай маълумотлар чиқиб кетса ёки бузилса, моддий зарардан ташқари ишонч ҳам йўқолади. Ишонч эса, касаба уюшмасининг энг катта устунидир.

Зарофат ИБРАГИМОВА,
Ўзбекистон энергетика, нефтьгаз ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши молия бўлими мудир

Касаба уюшмаси аралашгач...

Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро суди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар кенгаши томонидан киритилган даъво-аризани қаноатлантириб, таълим тизимида фаолият юритган АКТ мутахассиси фойдасига 446 миллион сўмдан ортиқ маблағ ундириш ҳақида қарор чиқарди.

МАСАЛА МУТАХАССИС ФОЙДАСИГА ҲАЛ БЎЛДИ

Хўш, низо моҳияти нима эди?

Даъвогар Паҳлавон Абсотторов 2022 йилдан буён Яшнобод тумани Мактабгача ва мактаб таълими бўлимининг ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва рақамлаштириш йўналишида ишлаб келган. У дастлаб АКТни жорий этиш бўйича бош мутахассис, кейинчалик методист лавозимида фаолият юритган.

Президентимизнинг 2018 йил 19 февралдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, давлат органлари ва бюджет ташкилотларида АКТни жорий этиш учун


масъул ходимларга лавозим маошидан кам бўлмаган миқдорда қўшимча устама тўланиши шарт. Аммо амалда бу норма бир неча йил давомида бажарилмаган. Хусусан, сул хужжатларига қўра, П.Абсотторовга 2022 йил учун 22,6 миллион сўм, 2024 йил учун 41,6 миллион сўм, 2025 йилнинг 9 ойи учун 40,8 миллион сўм – жами 105 миллион 71 минг сўм устама ҳақ тўланмаган. Меҳнат кодексининг тегишли бандига асосан, иш ҳақи кечиктирилган ҳар бир кун учун компенсация тўланиши лозим. Шу асосда ҳошим фойдасига 341 миллион 354 минг сўм компенсация ҳисобланди.

Суд юқоридагиларни ҳи-

собга олиб, Яшнобод тумани Мактабгача ва мактаб таълими бўлимидан ходим фойдасига 105 миллион 71 минг сўм устама ҳақи, 341 миллион 354 минг сўм компенсация ундириш ҳақида қарор чиқарди.

Ушбу иш бошқа АКТ ходимлари учун ҳам ҳуқуқий прецедент бўлиб хизмат қилиши билан аҳамиятли. Зеро, рақамлаштириш борасида тинимсиз гапирилар экан, аввало, бу жараёни амалга ошираётган кадрларнинг ҳақ-ҳуқуқлари таъминланиши керак. Акс ҳолда, соҳадаги ислохотлар қутилган натижа бермаслиги мумкин.

Ғулomжон МИРАҲМЕДОВ
«ISHONCH»



ЯХШИЛАР ШАРОФАТИ ИЛА ДАРДИ АРИДИ

Саломатлик — инсон учун бебаҳо бойлик. Афсуски, кўпам унинг қадрига етавермаймиз.

Фаргона вилояти Бағдод туманида яшовчи Наргиза Ғанижонова ҳам соғлиғи билан боғлиқ муаммолар сабаб, дард билан анча қурашди. Бироқ етарли маблағи бўлмагани боис яхшироқ даволана олмади. Касаллик эса бора-бора кучайди...

Ёлғиз онага осон эмас. Уй-рўзгор, фарзандлар ташвиши эзиб қўяди.

Даволанишга маблағ топиш учун қариндош-уруғ, таниш-билишларидан пул сўради. Аммо ҳеч бири қорига ярамади. Бу орада соғлиғи баттар ёмонлашди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг хотин-қизлар муаммолари бўйича ташкил этилган 1211 рақамли «Ишонч телефони»га ёрдам сўраб қилган мурожаатидан сўнг унинг кўнгли ёришди. Негаки, даволаниш учун зарур маблағ ажратилди. Туман мутасаддилари ҳам Наргиза опа тезроқ соғайиб кетиши учун бор ёрдамларини аяшмади.

Эътибор, ғамхўрлик ва кўмак натижасида ёлғиз она дарддан фориғ бўлди. Унинг хонадонида яна хурсандчилик бошланди.

Жамшид ЭРҒАШЕВ
«ISHONCH»

ЗИЁДА ЭНДИ ЧОРВАДОР

Зиёда Тиловова Қамашни тумани Чим маҳалласида истиқомат қилади. Еттишмовчилик туфайли имтиёзли кредит олиш мақсадида Камбағалликни қисқартириш ва бандликка қўмаклашиш туман бўлимига мурожаат қилди. Туман ҳокими ёрдамчиси унинг яшаш шарoитини ўрганиб, тавсия берди. З.Тиловова тегишли тартибда банкка хужжат топширди. Аммо ҳадеганда кредитдан дарак бўлмади. Пировардида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 1211 рақамли «Ишонч телефони»га қўнғироқ қилиб, ёрдам сўради.

– Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, мурожаатим ижобий ҳал бўлди, – дейди Зиёда Тиловова. – Ажратилган 15 миллион сўм имтиёзли кредит асосида чорвачилик билан шуғулланишни бошлаб юбордим. Аёл мушқули ариганидан, қўшимча даромад манбаига эга бўлганидан жуда мамнун.

Ўз мухбиримиз

Жамоатчилик назорати



Иссиқ жонмиз. Шу боис ҳеч бўлмаса йилда бир бор тиббий кўрикдан ўтиб туришимиз зарур. Чунки организмимизда бўлаётган ўзгариш ёки хасталикларни ҳар доим ҳам сезавермаймиз. Қолаверса, касалликни даволашдан қўра, олдини олган маъқул, деб бежиз айтишмаган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгаши Меҳнат кодексининг 360-моддаси (мажбурий тиббий кўриклар) ҳамда «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддаси талаблари ихросини таъминлаш, қолаверса, касб касалликларининг олдини олиш, меҳнат фаолияти давомида юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни барвақт аниқлаш,

меҳнат унумдорлигини ошириш, қисқаси, соғлом ва хавфсиз меҳнат шарт-шaroитлари яратиш мақсадида ўз ходимларини даврий тиббий кўрикдан ўтказди. Малакали шифокорлар томонидан ҳар бир меҳнаткашнинг соғлиғи текширилиб, зарур тавсиялар берилди.

Бердимурод АБДУЛАЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгаши етакчи мутахассиси

Сиз билим олиш йўлида худди ҳеч қачон ўлмайдигандай ҳаракат қилинг, аммо худди эртага ўладигандай ҳаёт кечиришга интилинг.

Отто фон Бисмарк



Илмий манбаларда тут дарахти 300 йил, баъзан эса 500 йилга қадар яшаши мумкинлиги қайд этилган. Бироқ Ғузор тумани Чўғуртма қишлоғи ҳудудидаги улкан тут дарахтининг ёши тахминан 12 асрга тенг. Бу афсона эмас, балки мутахассислар томонидан берилган илмий хулоса. Қолаверса, қишлоқдан то-пилган осори атиқалар ҳудуд тарихий аҳамиятга эга эканини исботлайди.

Яна бу маскандан бут-санамлар ҳайкалчалари, одам суяги дафн этилган хумлар, сопол қувур-лар ва қадимий тангалар ҳам топилган. Улар мазкур ҳудуднинг антик даврга мансублигини янада ойдинлаштиради.

Шу ерлик фахрий, иқтисод фанлари номзоди Халил Соатовнинг таъкидлашича, қишлоқ атрофи-даги Сичқонтёпа, Қўронтёпа, Малика Нозин, Улу-тёпа, Шакарбулоқ каби тепаликлар қадимий шаҳар-чалар қолдиқлари бўлиши мумкин.

– Биз турган жой Сичқонтёпа деб аталади. Ўтган асрнинг 20-йилларигача бу ерда сув оққан, атрофи сўлим бўлган. Ғузор тўраси ҳам бу жойга дам олиш учун келиб турган. Худуддан ўтган карвон йўли Термиз ва Бухоро шаҳарла-рини Қарши ҳамда Шаҳрисабз билан боғлаган, – дейди у.

Дарҳақиқат, Қашқадарё вилояти Ғузор тумани инсоният тарихининг қадимий манзилларидан бири саналади. Бу ердан Буюк Ипак йўлининг муҳим тармоқларидан бири ўтгани манбаларда қайд этилган. Тумандаги Чўғуртма қишлоғи ҳам ўзининг археологик топилмалари билан худуд-

ҒУЗОРНИНГ ТАРИХИ ҚАЧОН ЎРГАНИЛАДИ?

нинг бой тарихидан далолат бермоқда.

Қишлоқ атрофида жойлашган тепаликлар, қа-димий қабристон ва улардан топилган сопол пар-чалари, ҳайкалчалар, тангалар ҳамда бошқа осори атиқалар бу ҳудудда исломгача бўлган даврларда ҳам аҳоли яшаб, муайян шаҳарсозлик анъаналари мавжуд бўлганини кўрсатади. Маҳаллий аҳоли томонидан аниқланган топилмалар милoddан ав-валги IV-III асрлардаёқ Ғузор худудида маданий ҳаёт шаклланганини тасдиқлайди.

Қишлоқ чеккасида жойлашган қадимий қабрис-тон ҳам диққатга сазовор. У ерда Хўжабош ота зи-ёратгоҳи бор. Манбаларга қўра, Хўжабош у киши-нинг унвони, асли исми эса хўжа Абулайс Субаҳ бўлган. У мазкур худуддаги оташпарастлар ибодат-хонасини масжидга айлантириб, аҳолини ислом динига даъват этган.

Зиёратгоҳга 30 йилдан буён масъул бўлиб кела-ётган Баҳромхон Камоловнинг таъкидлашича, бу маскан маданий мерос жамғармаси рўйхатига ки-ритилган. Янги қабрлар қазिश жараёнида оташпа-растлик даврига оид одам суяклари солинган хум-лар, будда ҳайкалчалари ҳамда турли дори тайёр-лаш идишлари топилмоқда.

– Топилмаларнинг аксарияти ҳали ўрганилма-ган. 2008 йилдан буён уларни йиғиб, мўъжаз му-

зей ташкил қилдик. Агар осори атиқалар илмий жиҳатдан тадқиқ этилса, аждодларимиз тарихи янада ойдинлашар эди, – дейди у. – Бу худуддаги тарихий қатламлар ҳам ўрганилиб, маълумотлар келажак авлодга етказилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Қишлоқ нурунийлари ҳам Ғузор тарихи На-саф ва Кеш каби қадимий марказлар қаторида ил-мий асосда ўрганилишини, тепаликлар расмий рўйхатга олиниб, археологик қазишмалар олиб бо-рилишини кутишмоқда.

Самарқандлик археолог мутахассислар ҳам то-пилмалар суратлари билан танишиб, уларнинг ан-тик даврга мансублигини таъкидлашган.

Хуллас, Чўғуртма қишлоғидаги топилмалар ва тарихий манзиллар Ғузор туманининг антик дав-рга бориб тақаладиган бой ўтмиши мавжудлигини кўрсатмоқда. Мазкур худудни илмий жиҳатдан ўр-ганиш, ёдгорликларни давлат муҳофазасига олиш ҳамда археологик тадқиқотларни йўлга қўйиш на-фақат маҳаллий аҳоли истаги, балки миллий та-рихни бойитиш нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳа-мият касб этади.

Баҳодир ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

Ҳалоллик

лари қулоғи остидан кетмади. Ва ниҳоят Раҳмон ғолиб чиқди. У раҳбарнинг «чўн-таги» бўлишни рад этди. Унга «яхшигина иш» таклиф қилган раҳбар эса узоққа бор-мади.

Зеро, текин томоқ тиш синдиради. Порахўр боймайди, бойиса ҳам юқ-майди, деганларидай, лавозимга ўтир-гач, босар-тусарини билмай, очқўзлик билан пора олган киши ўзининг бошига ўзи етади.

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

Мушоҳада

Ўзбек менталитети: ЎЗГАРИШ ЎТМИШДАН ВОЗ КЕЧИШ КЕРАК ДЕГАНИМИ?

Ҳар бир халқнинг ўзига хос дунёқараши, феъл-атвори бор ва бу менталитет дейилади. Ўзбек менталитети деганда, кўз олдимизга асрлар да-вомида шаклланган меҳмондўстлик, каттага ҳур-мат, маҳалла-кўй ва оилапарварлик каби фазо-латлар келади. Аммо бугунги шиддатли замон, яъни интернет, глобаллашув бу тушунчаларни ҳам ўзгартирмоқда.

Хўш, ўзбек менталитети бугун қандай ўзгаришларни бошидан кечирипти?

Бизнинг менталитетимиз асоси – жамоа-вийлик. Маҳалла, қариндош-уруғ ва тўй-маъра-калар элни доим бирлаштириб келган. Бу жуда яхши, лекин баъзида «Одамлар нима дейди?» де-ган андишали фикр билдиришга ёки янги бир ишни бошлашга тўсқинлик қилган.

Бугун дунёқараш ўзгарипти. Энди ҳар бир ин-сон нафақат жамоанинг бир қисми бўлиши, балки мустақил фикрлайдиган, масъулиятни зиммасига оладиган шахсга айланиши керак.

Ўтмишдаги тузумдан қолган бир иллат, яъни барча муаммоларни давлат ҳал қилиб бериши ке-рак, деган қараш мавжуд. Буни мутахассислар па-тернализм (боқимандалик) деб аташади. Бундай одамлар янгилик қилишдан қўрқади ва доим юқо-ридан кўрсатма кутиб яшайди.

Янги Ўзбекистон стратегияси эса одамларни тадбиркор бўлишга, ўз устида ишлашга ва ҳара-кат қилишга ундайди. Энди тайёр нарсани кутган эмас, балки билим олиб, меҳнат қилган ютади.

Бугун ёшларимиз интернет орқали Ғарб ма-даниятини қўриб улғаймоқда. Бу жараёнда икки хил хавф бор. Биринчиси, Ғарбга қўр-қўрона тақ-лид қилиб, ўзлигимизни унуттиш. Иккинчиси эса, қадриятлар зиддияти, яъни баъзи ёшлар «замона-вий бўламан» деб миллий қадриятларимиздан уя-ладиган бўлиб қолишапти.

Аслида бизга Ғарбнинг технологияси, ишга бўлган муносабати ва қонунга ҳурмати керак. Миллий одоб-ахлоқимизни сақлаган ҳолда, дунё-нинг энг илғор билимларини эгаллаш энг тўғри йўлдир.

Ҳозирги жамиятимизда бир вақтнинг ўзида уч хил дунёқараш тўқнашапти: анъаналар, со-биқ тузум даври асоратлари ва замонавий глобал маданият. Бу ҳолатни илмий тилда «қадриятлар синдроми» дейишади. Баъзан ёшлар қайси йўл-дан кетишни билмай, ахлоқий бекарорликка уч-раяпти.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, менталитети-мизнинг ўзгариши ўтмишдан воз кечиш дегани эмас. Бу миллий қолларимизни (жамоавийлик, оқибат, маънавият...) сақлаб қолган ҳолда, уларни замонавий дунё талабларига мослаштиришдир. Давлатимиз раҳбари айтганидек, бизнинг асосий бойлигимиз – янгича фикрлайдиган ёшларимиз.

Демак, асосий вазифаларимиздан бири мил-лий тарбия билан замонавий билимларни бир-лаштириб, дунё билан бўйлаша оладиган янги ав-лодни шакллантиришдан иборатдир.

Иброҳим ОМАНБОВЕВ,
Халқ депутатлари Нурафшон
шаҳар Кенгаши депутати

ТЕКИН ТОМОҚ ТИШ СИНДИРАДИ

Зокиржон узоқ йиллар кўп жойларда ишлаган. Ўзига юклатилган вазифани астой-дил енг шимариб бажаради. Шунга яраша жамоада ҳам ҳурмат қозонган.

Янги раҳбар сайланиши билан уни йўқлаб, «Ўка, биласан, ташкилоти-мизда бир йилда 200-300 одам иш-дан бўшаб, ўрнига яна шунча одам ке-лади. Уларнинг ҳар бири ишга киришда 400 «кўкидан» олиб келади. Шунинг яр-мини ўзинг олиб, ярмини менга бера-

сан», дея уни «ҳамкорликка» чорлади.

Шундан кейин Зокиржоннинг юра-гига гулгула тушди. Бир томонда шай-тон васвасага солиб, «Қандингни ур-майсанми, бундай имконият ҳар доим ҳам бўлавермайди», деса, бир томонда Раҳмон «Шунча йил ҳалол ишлаб, об-

рў-эътибор топдинг. Ҳаром лўкма билан оила тебратиб узоққа бормайсан, кў-зингни оч», дея хушёрликка чақирарди. Унга осон бўлмади. Бир йилда фалон доллар «ишлаб», қандай ҳашамдор имо-рат тиклаш мумкин, қанақани пўрим машина минииш мумкин-а?!

Бу каби ўйлар унга уйқу бермади. Ле-кин отасининг бир умр ҳалол меҳнат қи-либ, оила тебратгани-ю, панд-насихат-



Бугун дунё янги давр остонасида турибди. Уни «рақамли инқилоб», «тўртинчи sanoat инқилоби» ёки «сунъий ин-теллект асри» деб аташмоқда. Қандай номланишидан қатъи назар, сунъий интеллект ҳаётимизга жадал кириб келиб, фаолиятимизнинг деярли барча соҳаларига таъ-сир ўтказмоқда. Энг кўп муҳокама қилинаётган масала — келажак касблари ва инсон меҳнатининг тақдир.

Бугун кўпчиликни бир савол ўйлантиради: «Сунъий интеллект одамларни ишсиз қолдира-димиз?». Бир қарашда хаво-тирларда жон бордай. Зеро, айрим касблар аллақа-чон автоматлаштирилди, баъзилари бутунлай йўқ бўлди. Масалан, кассир ўр-нини терминаллар, котиба вазифасини ақили дастур-лар, ҳайдовчиликни авто-ном автоуловлар эгаллай бошлади.

Тарихга разм солсак, ҳар қандай технологик сакраш даврида шунга ўх-шаш қўққувлар бўлганини кўрамиз. Буг дивгатеги, электр энергияси, компью-терлар пайдо бўлганида ҳам «Энди инсон меҳна-тига ҳожат йўқ», деган иди-даолар янграган. Аммо касблар йўқолмаган, фақат янгиланган. Бугун ҳам худди шундай жараён рўй бермоқда.

Сунъий интелект-нинг энг муҳим хусусия-ти шундаки, у инсон каби фикрламайди, балки маъ-лумотларни тез ва аниқ қайта ишлайди. Аммо ҳеч нарсани ҳис қилмайди, ахлоқий масъулиятни анг-ламайди. Демак, ҳеч қа-

чон инсон ўрнини бо-солмайди, унга ёрдамчи бўлади, холос.

Келажак касблари ҳақида гап кетганда, ав-вало, пайдо бўлаётган янги йўналишларга эътибор қа-ратилиши лозим. Сунъий интеллект муҳандиси, маълумотлар таҳлилчиси, киберхавфсизлик мутахас-сиси, робототехника ди-зайнери ҳозир жадал ри-вожланиб борапти. Янги касблар техник билим, масъулият билан бирга, тафаккурни ҳам талаб этади. Айни чоғда анъа-навий касблар ҳам бутун-лай йўқолиб кетмай, янги шаклга кирази. Масалан, ўқитувчи маълумот бе-рувчи эмас, йўналтирувчи, таҳлилчи ва мотиватор ро-лини бажаради. Шифо-кор эса сунъий интеллект ёрдамида таъхис қўяди, аммо якуний қарорни ўзи қабул қилади.

Келажакда энг катта та-лаб техник билимдан қўра, инсоний кўникмаларга бўлади. Танқидий фикр-лаш, муаммони ечиш, му-лоқот, жамоада ишлаш – булар сунъий интелект-нинг қўлидан келмайди. Шу боис «энг хавфсиз касб»

деган тушунча йўқ, аммо «энг мослашувчан инсон» тушунчаси мавжуд.

Бу жараёнда таълим ти-зими ҳал қилувчи роль ўй-найди. Агар мактаб ўқув-чини ёдлашга ўргатса, у келажакда сунъий интел-лект билан рақобат қила олмайди, фикрлашга, савол беришга, изланишга ўргатса, ҳар қандай техно-логик ўзгаришга мослаша олади. Шу боис таълимда рақамли саводхонлик, дастурлаш асослари ва сунъий интеллект ҳақида тушунчалар берилиши жуда муҳим.

Яна бир муҳим масала ахлоқ ва масъулиятдир. Сунъий интеллект қан-чалик ривожланмасин, унинг орқасида инсон ту-ради. Агар алгоритмлар нотўғри маълумот асосида ишласа ёки адолатсиз қа-рор чиқарса, жавобгар-лик кимнинг зиммасига тушади? Албатта, инсон-нинг.

Шундай экан, сунъий интеллектга хавф эмас, си-нов сифатида қараш жоиз. Ундан ўтиш учун жамият, таълим тизими ва ҳар бир инсон ўз устида ишлаши лозим. Касблар фақат тех-нологияни биладиган эмас, инсон бўлиб қолади-ган мутахассисларни та-лаб қилади. Чунки келажак машиналар эмас, инсон ва технология ҳамкорлиги даври бўлади.

Салим АБДУРАҲМОНОВ
«ISHONCH»

Табиат мўъжизалари

Айни пайтларда Сурхондарё вилояти, Шеробод туманидаги «Хўжаикон» туз кони худудида Эрон ва Германия компаниялари ҳамкорлигида қий-мати 50 миллион долларга тенг «Саломатлик туризми» шаҳарчаси бунёд этилмоқда.

«САЛОМАТЛИК ТУРИЗМИ» ШАҲАРЧАСИ

Воҳанинг ўзига хос гўзал ва мафтункор табиати бор. Бу ерда ўтмишдан сўзлайдиган тарихий обидалар, археологик ёд-горликлар кўп. Ҳатто минг ёшга кирган азим чинорлар ҳам кўкка бўй чўзиб турибди. Ҳаким Терми-зий, Исо Термизий, Сўфи Оллоёер, Мавлоно Зоҳид каби буюк аждод-ларга бешик бўлган бу гўшанинг тупроғи, суви, тузи мўъжизакор ва шифобахш. Табиий қуёш ну-рига тўйинган мевалари эса дард-ларга даво. Ёзнинг иссиғида қўмил ванна қилиш, шифобахш булоқ су-вида чўмилиш, туз ғорида муолажа олиш учун хорижий давлатлар-дан сайёҳлар атайлаб бу ерга кели-шади. Ҳам саёҳат қилишади, ҳам саломатлигини мустаҳкамлаб ке-тишади.

Воҳанинг Шеробод тумани худу-дидаги Қўхитанг тоғ тизмаси қўй-нида денгиз сатҳидан 1 200 метр баландликда «Хўжаикон» туз ғори бор. Ушбу маскан 2019 йилда мод-дий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари рўйхатига кири-тилган. Бу ерда 1989 йили барпо этилган узунлиги 175 метрлик гор деворлари 3-5 сантиметргача туз қатлами билан қопланган. Мўъ-жизакор бу шифобахш масканда ёз чилласида ҳам ҳаво ҳарорати мўътадил, илиқ бўлади. Таркиби табиий тузлардан иборат нафис санъат галереясини эслатадиган ноёб ғорнинг ички узун йўлакча-сида туз эритмали шифобахш сув сизиб туради. Хоналарнинг ҳаро-рати, намлиги, босими ва микро-иклими бир-биридан фарқ қи-либ, турли касалликларга малҳам бўлади.

– Фордаги муҳит юқори нафас олиш азъолари, жумладан, юрак-қон томир тизими касалликлари-нинг илк босқичлари ва эндокрин тизими касалликларига шифо

бўлади. Зоб-бўқоқ хасталиқлари-дан азият чекадиган инсонларга ёрдам бериб, қон босимини меъ-ёрлаштиради. Бронхит, астма, ёш болаларда сурункали ларингит, катта ва кичик ёшдаги ринит, зо-тилжам (пневмония), ўпканинг ша-моллаши, асаб тизими касаллик-ларини самарали даволайди. Шўр суви стоматит, полиноз, аллергият дерматит, пародонтоз, тери касал-ликларидан фориг бўлишда кўмак-лашади, – дейди Шеробод тумани тиббиёт бirlлашмаси бошлиғи Хўршид Муҳаммадиев.

Мана шуларни эътиборга олган ҳолда 2025-2035 йилларда босқич-ма-босқич бу ерда «Саломатлик ту-ризми» шаҳарчасини барпо этиш ишлари амалга оширилмоқда. Та-биат инъом этган бу имкониятлар-дан тўғри фойдаланиш воҳа иқти-содийети ривожига ижобий таъсир кўрсатади.

Тоғлар қўйнидаги худудда бир йўла 500 нафар сайёҳга мўлжаллан-ган меҳмонхона ва капсула уйлар қад ростлайди. Тузли бассейнлар, туз ванналари, соғломлаштириш марказлари қурилади. Амфитеатр, хунармандчилик маркази, туз му-зейи ташкил этилади. Сунъий туз қўли ва яшил майдонлар ярати-лади. Худуддаги «Тоҳиршоҳ ота» мақбараси ободонлаштирилиб, зиё-ёратчилар учун қулай шароитлар муҳайё қилинади.

Сармоядорлар мазкур сўлим гў-шада ҳозирча 20 дан ортиқ капсула уй барпо этишган. Лойиха тўлиқ ишга тушгач, туз кони жойлашган Чорбоғ маҳалласи «Туризм ки-шлоғи»га айланиб, йилга ўртача 200 минг маҳаллий ва хорижий турист келиши, 250 дан ортиқ янги иш ўрни яратилиши мўлжалланмоқда.

Чори ЖУМАҚУЛОВ
«ISHONCH»

Ўзбек тили камбағал тил эмас, балки ўзбек тилини камбағал дегувчиларнинг ўзи камбағал. Улар ўз нодонликларини ўзбек тилига тўнкамасинлар.

Абдулла Қодирий

Суҳбат

Мулоҳаза

«Кеча ҳовлида ишлаётгандим, кўшним чиқинди ёқа бошлади. Энди ярим ёки бир соат тутун аралаш ҳаводан нафас олишга тўғри келади. Куяётган салқин ичимлик идишлари, полиэтилен плён-канинг ачимсиқ ҳиди тудди атрофни.

ИТ ПИЧАН ЕМАЙДИ...

Очиғи, кўшнимни бу иши учун айб-лай олмайман. Бечора нима қилсин, маҳалламизга чиқинди ташийдиган машина келмай қўйганига қарийб уч ой бўлди. Илғари ҳам бу тизим ёлчитиб ишламаган, кўқим ташир машина бир ёки икки ҳафтада пайдо бўларди. Ўшанда ҳам уйда бўлсанг, кўчага тўплаб қўйганининг ортасан, акс ҳолда, ойлаб уюлиб ётади.

Қўшилларимдан бири неки кераксиз нарса бўлса, юк машинасига ортиб, ишга кетаётганида чеккароқ жойга тўқиб, кутулади. Яна бошқаси тандиридан кўқим ёқишда фойдаланяпти. Ўзимга келсак, ҳовлидан ўра қазиганман. Чирийдиган нарса борки, ўша ерга ташлаяпман.

Ҳаммасидан кизиги, уч йиллар олдин чиқинди машиналари салкам икки йил кўринмади. Чиқинди тўловини электрга боғлаб қўйишганидан сўнг назоратчи пайдо бўлди ва ана ўша даврда кўрсатилмаган хизмат учун пул талаб қилди. Дод-войлар фойда бермади, чироқсиз қолишдан кўрқиб, тўладик. Шунинг бекор қилишди-да. Ҳозир хизмат кўрсатилмаётгани учун ҳеч қим пул сўрама-япти. Ярим ёки бир йилдан кейин электрни ўчириш билан таҳдид қилиб, ана «ўлпон» ундиришлари аник.

Аслида табиатнинг ифлосланишига то-заликча масъул бўлганларнинг ўзлари са-бабчи. Одамлар кўқимни мажбуриликдан ёқишяпти, тўғри келган жойга, ариқ-зовур-ларга улоқтиришяпти. Қисқаси, табиатни, ҳавони ўзимиз булгапмиз. У қуни телеви-зорда биттаси: «Хазон ёқманг, бир талай ка-салликларни келтириб чиқаради», деди. Ундан кўра тизимни тўғри ишлайдиган қилиб қўй, номард.

Шикоят қилишнинг фойдаси йўқ. Кўнги-роқ қилгандим, «Автомашина етишмайди», дейишди. Қизик, қўлингдан келмаса, нима қилсан бўйингга олиб, бермайсанми, кучи етадиганга. «Ит пичан емайди, бировга ҳам бермайди», деб бежиз айтишмайди, ше-килли.

Уларнинг эплай олмаётгани ёлғон, чунки чиқинди учун ҳар ой жон бошига ҳақ оли-нади. Бутун вилоятни ҳисоблаб кўрсак, фа-лон пул бўлиб кетади, бир маҳаллага битта тиркамали трактор ёлласа ҳам иш битарди. Ногоҳ «йигилган пулни биров еяптимикан», деб ўйлаб қоламан. Янада қизиқ томони, маҳалладаги бирон-бир фуқарода чиқинди ташувчилар билан тузилган шартнома нус-хаси йўқ.

Айб одамларнинг ўзида, деган гапга қў-шилмайман, чунки ҳақ-ҳуқуқларимизни би-ламиз. Хусусан, кўқимни ҳафтада камида икки марта олиб кетишлари кераклигидан хабаримиз бор. Мурожат қилдик, назарига илмаса, уриб бошини ёришимиз керакми?

Балки ростдан ҳам уларнинг қўлидан иш келмас, акс ҳолда, чет эллардагидек чиқин-ди қайта ишлаб, пулга ботиб қолиш-масмиди?!

Сиз Жиззах шаҳри марказидаги маҳалла-ларда иш бўлаяпти, дейсиз, нима, сал чек-кароқдагилар кўқимга қўмилиб ўлиши ке-ракми? Айтган жойларингиз ҳам жа обод эмас, бирор жойда чиқинди қўтилари борми?

Мен буларни бекорга гапирмаяпман, сиз газетда ишлайсиз, шу масалани кўтарсан-гиз-чи. Тўғриси ян айтсам, ёзганимиз бил-лан бирор нарса ўзгаришига ишонмайман. Лекин барибир ёзинг, мен каби сиз ҳам ҳеч бўлмаса, қўнглингизни бўшатайсиз».

Ҳа, танишим айтган гапларнинг ҳам-маси рост, шу боис маслаҳатига амал қил-дан ва ёздим. Ундан фойда бор-йўқлигини эса вақт кўрсатади...

Алижон АБДУСАТТОРОВ

«ISHONCH»

Президентимизнинг 2024 йил 4 июнда имзолаган «Бадий таржима соҳасида Муҳаммад Ризо Огаҳий но-мидаги халқаро мукофотни таъсис этиш тўғрисида»ги қарорида ўзбек бадий таржима мактабини ривож-лантириш ҳамда халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжихатлик риштала-рини мустаҳкамлашда алоҳида аҳа-миятга эга бўлган таржима асар-лар муаллифларини рағбатланти-риш нўзда тўтиланган. Ҳар икки йилда ўтказиладиган бу танлов Ўзбекис-тон абадий ҳаётида юксак эътироф-га лойиқ бўлиб, ўзбек адабиётини миллий ва халқаро миёёсда тарғиб қилиш ва кўллаб-куватлаш мақса-дида ташкил этилган.



Янги йил арафасида мукофотлар ушбу танлов ғолибларига тантанали равишда топ-ширилди. Жумладан, «Ўзбек адабиётининг насрий асарларидан хорижий тилларга тар-жима» йўналишида россиялик ижодкор Ми-хаил СИНЕЛЬНИКОВ ғолиб деб топилди.

Қуйида у билан бўлган суҳбатни эътибо-рингизга ҳавола этамиз.

– **Михаил Исакович, мукофот билан яна бир бор табриклаймиз. Ҳаёт йўлингиз ва ижодий фаолиятингиз ҳақида қисқача сў-лаб берсангиз.**

– Раҳмат. Мен 1967 йили Ўш педагогика институтининг тарих факультетини тугатган-ман...

– **Шошманг-шошманг, олтмиш еттинчи йили сиз Ўш педагогика институтининг учинчи босқич талабаси бўлганингизда, мен шу институтда ташкил этилган махсус педагогика курсининг рус тилида ўқиётган эдим. Ўқув хоналарида учрашиб қолган бўлишимиз ҳам мумкин. Майли, да-вом этинг.**

– 1971-1972 йилларда Москвада Горький номидаги Адабиёт институтида таҳсил ол-дим. Ижода бир қанча ютуқларим бор. Қа-тор халқаро мукофотларга сазовор ҳам бўлган-ман. Аммо бу галгиси – улуг олим ва таржи-мон Огаҳий номи билан аталувчи мукофот мен учун ғоят аҳамиятли ва масъулиятли ҳам. Ба-дий таржима соҳасидаги меҳнатларим кадр-ланганидан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси мени расман Тошкентга тақлиф этганидан мамнунман. Бадий таржима билан анча йил-лардан бери шугулланаман. Огаҳий номидаги халқаро танловга рус тилига ўтирган «Антоло-гия узбекской поэзии» номи 3 жилдлик ма-жмуа билан қатнашдим.

Бутун бадий таржима бекиёс таъсирчан куч, халқлар, маданиятларни бирлаштирувчи маънавий восита сифатида майдонга чиқ-моқда. Сизларда «Онасини кўриб, қизини ол» деган мақол бор. Шунга ўқшаб қилиб, «Ада-биётини кўриб, халқига баҳо бер», дейиш ҳам мумкин. Негаки, ҳақиқий адабиёт ҳамма нар-садан, жумладан, сиёсат, иқтисод ёки савдо-со-тиқдан келадиган фойдадан ҳам устун туради.

БАДИЙ ТАРЖИМА – ХАЛҚАРО МАЪНАВИЙ КЎПРИК

Наполеон рус тупроғига босқин уюштириб, Москвага ўт қўйган, ҳаммаёқ ёниб қўл бўлган, аммо бу билан бизнинг француз адабиёти ёки санъатига бўлган муносабатимиз салбий то-монга ўзгариб қолмаган. Фашизм туфайли неча миллион-миллион бегуно одамлар қурбон бўлди, биз ҳокимиятни эгаллаган ёвуз ниятли кимсалар тўдасини немис халқидан фарқла-ганимиз учун ҳам Гёте, Гейне, Шиллер асар-ларини севиб ўқиймиз, ўз тилларимизга тар-жима қиламиз, Вах, Бетховен симфонияла-рини мириқиб тинглаймиз.

Бадий таржима билан боғлиқ муҳим тан-ловни ташкил этиш ташаббускори Ўзбекис-тон Президенти Шавкат Мирзиёевдан, танлов ташкилотчиларидан миннатдорман. Огаҳий ҳақида билганларим етарли эмас экан, албатта, бу бўшлиқни тўлдиришга ҳаракат қиламан.

– **Огаҳий шоир ва таржимон бўлган. Улуг ишларидан бири – устози Шермухаммад Мунис болаган «Фирдавс ул-иқбол»ни давом эттириб, бу ноёб адабий-тарихий асарнинг мукамал намунаси яратилиш-ига катта ҳисса қўшган. Асарни дунё-нинг кўпгина мамлакатлари олимлари бугун ҳам катта қизиқиш билан ўргани-шди. Хусусан, АКШдаги Индиана универ-ситети профессори, таниқли тарихнавис олим Юрий Брегел узок йиллар заҳматли меҳнат қилиб, «Фирдавс ул-иқбол»нинг инглиз тилидаги шарҳли наشرини чоп эттирди, унда Феруз ва Огаҳий Кўрғони қаримдан келтирган икки юздан ортиқ иқтибосларга алоҳида шарҳ ҳамда тушун-тиришлар берилган.**

Огаҳий араб, форс, турк тилларини яхши билган. Алишер Навоий асарларини чуқур ўрганган. Навоийнинг «Мани ман истасан ўз суҳбатига аржуманд этмас, Мани ис-тар кишининг суҳбатини кўнгулм писанд этмас», деб бошланувчи гўзал газалага муҳаммас болаган. Шарҳ шеъриятида шундай машҳур анъана бор. Огаҳийнинг фикрича, давлат бошлиғи кўндан-кўп эзгу фазилатларга эга бўлиши зарур. У ҳукмдор сифатида авом олдида ўзини ҳимматли, ишжосатли, адолатпарвар, нияти улуг йўлбошчи эканлигини амалда намойиш этиши зарур. Шундагина унинг мамла-кати ривож топади, эл-улус ундан мин-натдор бўлади.

– Бу аллома кўп асарларни ўзбек тилига ўтирган ҳам экан.

– **Шундай. Тадқиқотчиларнинг фикрича, адабиёт тарихида ҳеч бир адиб таржима соҳасида бунча кўп иш қилмаган. Таржи-малар рўйхатида Кайқосуннинг «Қобус-нома», Саъдийнинг «Ғулистон», Низомий-нинг «Ҳафат пайкар», Абдураҳмон Жо-мийнинг «Юсуф ва Зулайҳа», «Саламон ва Абсол», Ҳилолийнинг «Шоҳ ва гадо», Шара-фиддин Али Яъзийнинг «Зафарнома» каби шарқда машҳур асарлари бор.**

– Ғоят қизиқарли маълумотлар. Тушун-шимча, «Қасидадан насихат» Макиавеллининг «Ҳукмдор»ига ўқшаб кетар экан. Ҳар икки асардаги насихатлар бутун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган, аксинча, янада ошган. Бугунги ёшларнинг ҳавас қиларли омади шуки, улар бири Хоразмда, иккинчиси Европада ёзилган бу икки буюк асарни ўз тилларида ўқий олади-лар. Менга айтишларича, «Фирдавс ул-иқбол» ўзбек тилида уч марта нашр этилган экан.

– **Михаил Исакович, тўғриси, сиз ҳақингизда ўзбекистонлик ўқувчилар етарли маълумотга эга эмас. Қолаверса, Ўзбекистонни, яқин қўшни давлатларни яхши билишингиздан, кўп ижодкорлар ҳақида тасаввурга эга эканлигингиздан кўпчилик хабардор ҳам эмас.**

– Ҳа, шундай. Сўнгги жаҳон урушида ко-зонилган ғалабанинг иккинчи йили ҳозирги Санкт-Петербургда туғилганман. Икки ярим

ёшимда ота-онам Қирғизистонга кўчиб ке-лишган. Жалолободда яшаганмиз, шу шаҳарда катта бўлганман. Отам шаҳар газетаси бош муҳаррири ўринбосари бўлиб ишлаган. Ўзбек ва қирғиз адабиёти вакиллари ижоди билан шу ерда танишганман. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ҳамда ўшлик, жалолободлик шо-ир-ёзувчилар ижодига қизиққанман. Қирғиз шоири Жўлон Мамитов билан жуда яқин эдик. Тез-тез кўришиб, адабий суҳбатлар қурардик. Чингиз Айтматов қирғиз киноиждоқкорларига бош бўлганида Жўлон улуг адибнинг ёрдам-чиси эди. У билан яқинлигим боис машҳур адиб билан кўришиб, мулоқотда бўлганман.

– **Жўлон Мамитов болалар ёзувчиси Тур-сунбой Адашбоевнинг қадрдон дўсти эди. Бир-бирларининг шеърларини таржима қилишган. Балки сиз Турсунбой акани та-нирсиз?**

– Ҳа, бу ажойиб шоир билан ҳам дўст-қадр-дон эдик. Турсунбой Москвада Максим Горький номидаги Адабиёт институтида ўқигани боис, собиқ иттифоқдош республикаларнинг кўп-лаб шоирларини яхши танир, уларнинг асар-ларини ўзбек тилига ўтирар, шу билан бирга, ўзбек ва қирғиз тилларида болаларга бир-би-ридан қувноқ шеърлар ёзар эди. У билан кўп бирга сафар қилганмиз. Адашмасам, у Қирғи-зистоннинг чекка ҳудудига жойлашган Сафед Булон қишлоғида, машҳур Саричелек қўлига яқин жойда туғилган. Ўша томонларга борган-ман, маҳаллий одамларнинг ҳаёти билан та-нишганман. Тўй-тумоқларида қатнашганман.

– **Э, яшанг, яна бироз гаплашсак, қариндош чиқиб қолишимиз ҳам мумкин, шекилли. Негаки, мен ҳам Сафед Булонда туғилган-ман. Турсунбой ака билан қишлоқнинг бир кўчасида яшаганмиз, битта мактабда ўқиганмиз. Журналистикага қизиқишимда Турсунбой аканинг таъсири бўлган.**

– Ана, ўхшатмагунча учратмас, деганлари шу бўлса керак. Мени ўзбек ва қирғиз адаби-ёти оламига шу икки дўст – Жўлон ва Турсун-бой олиб киришган, улар ёрдамида шоир Шав-кат Раҳмон билан танишганман. Биласизми, Шавкат Раҳмон бир қарашда тушунини қийин бўлган характерли, нигоҳи сирили шоир эди. Италия тилини ўрганаётгани ёдимда. Ал-батта, мен унинг ўзбек тилида ёзган шеърлари маъносини чуқур тушунганман, аммо шеър ўқиётган шоирнинг юз ифодаси, талаффузи унинг миллат учун чин маънода қайғурадиган, шеъриятни қисмат деб биладиган ижодкорли-гидан далолат берадир.

– **Иттифоқдош республикалар истиқлолга эришгач, кўнлар ота-боболари туғилган жойларга кўчиб кетишди. Сизларда ҳам шундай фикр бўлганми?**

– Бўлган. Онам рязандлик эди. Бу жойни биласиз, Сергей Есенин туғилган, унутиб бўл-майдиган макон. Онам уруш йиллари Ленин-градда болалар уйида ишлаган. Жалолободда яшаганимизда у оғир кунларни кўзларига ёш олиб эсларди. Кўзлариде Рязань соғинчи шун-доққина кўриниб турарди. Бу кунларнинг қадрига етинлар, дер эди.

Ота-онам бир йили орқага қайтмоқчи бў-лишди, аммо бу фикрларидан тезда воз ке-чишди. Мен ўшанда Жалолободдан бошқа жойда яшашни ҳаёлимга ҳам келтира ол-масдим. Ленинградда туғилган бўлсам ҳам, Фарғона, Ўш, Андижон, Жалолобод мен учун худди туғилган еримдай бўлиб қолганди. Мана энди, тақдир тақозосига кўра, Москвада яшаяп-ман. Аммо болалиқ, ўсмирлик йилларим ўтган водийни, унинг тор ва майин тупроқли кўчала-рини, бепоеғ тўзторлари, боғлари, сойларини кўп эслайман. Жалолободда Муқим, Шарофат исмли қўшни болалар билан ўйнардим. Бирор киши миллат ажратган эмас. Аксинча, ўзбек қўшнилар бизни иссиқ нон, бўғирсоқ, сут, қат-иқ билан сийлашарди. Бутун дунё таниб бўл-мас даражада ўзгариб кетди. Нима бўлаётга-

нини, дунё, одамлар қайси томонга йўл олаёт-ганини англаш қийин.

– **Фикрингизга қўшиламан. Сиз тилга ол-ган машҳур адиб Чингиз Айтматов сўнги интервьюларидан бирида журналистлар-нинг «Бугунги алғов-далғов дунёда инсо-ният олдида турган энг муҳим вазифа нима?» деган саволига «Инсонни инсон мақомида сақлаб қолиш» деб жавоб берган. Бу вазифани бажаришда адабиёт, хусусан, бадий таржима зиммасига ҳам катта масъулият юкланади. Шундай эмасми?**

– Худди шундай. Адабиёт халқларни, мин-такаларни, турли маданиятларни ва ҳатто ри-вожланиш йўлларини ҳам бирлаштиради. Бу – асрлар синовидан ўтган ҳақиқат. Мен Ёзув-чилар уюшмасида, сиз раҳбарлик қилаётган «Жаҳон адабиёти» журнали таҳририятида бўл-ганимда шунга амин бўлдимки, Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг бугунги ички ва ташқи сиёсатида айнан шу вазифа – инсон қамоли, унинг ўз ҳаётидан рози бўлиб яшаши, янги шароитда вояга етаётган ёшлар тарбияси устуворлик қилар экан. Уюшманинг янги би-носи, ундаги шароитлар, «Адиблар хиёбони» менда кучли таассурот қолдирди. «Жаҳон ада-биёти»да эълон қилинаётган таржима асарлар рўйхатини кўриб, очини, ҳавасим келди. Ўзаро гап: бундай шароит Москвадаги «Иностранная литература» журналича ҳам йўқ. Бир пайт-лар Чингиз Айтматов муҳаррирлигида дунёга машҳур бўлган бу журнал бутун жуда оз нус-хада босилади. Сизларда маънавий-маъри-фий журналлар мамлакатдаги барча ўрта ва олий таълим мактабларига бепул етиб бораёт-ган экан, шунинг ўзи катта гап. Ўзбек адибла-рининг асарлари дунёнинг қўллаб мамлакат-ларида чоп этилаётгани эса жиддий ютуқ.

– **Эътироф учун раҳмат. Аммо ютуқлар билан бирга айрим муаммолар ҳам борки, суҳбатимизда уларни четлаб ўтсак бўлмас.**

– Албатта.

– **Биз яқин-яқингача жаҳон адабиёти-нини машҳур намуналарини ўзбек тилига асосан рус тилидан таржима қилганмиз. Бугун бизда, ўзингиз сувоҳ бўлганингиз-дек, бадий таржимага жиддий эътибор қаратишмоқда. Ёзувчилар уюшмасида махсус кенгаши, халқаро адабий алоқалар бўлими гуриллаб ишлаб турибди. Ёшлар орасидан дунёда расман эътироф этил-ган, турли тилларга таржима қилинган бадий асарларни инглиз, француз, не-мис, хитой, араб, турк тилларидан бевос-ита ўғиришга бел болаган ва бу борада тажриба орттираётган таржимонлар кўпайиб бораётгани қувонардидир. Бизда рус адабиётининг деярли барча машҳур асарлари ўзбек тилига ўғириб бўлинган. Бир мисол, Ф. Достоевскийнинг «Ака-ука Карамазовлар» эпосеки журналимизда таниқли олим Иброҳим Ғафуров таржи-ма қилганини қилинди. Энди навбат рус тили таржимонларига. Кўп ўзбек ижод-корлари, масалан, Эркин Воҳидов, Аб-дулла Орипов, Ҳалима Худойбердиева, Рауф Парфи, Омон Матжон, сиз билан Шавкат Шамон, Турсунбой Адашбоев, Анвар Обиджон ва шу қатори истеъдод эгаларига ўз вақтида муносиб таржи-мон топилмади. Топилганида эди, улар-нинг аксарияти Расул Ҳамзатов, Қайсин Қулшев, Давид Қуеуатовнинг каби дунёга чиқиб кетарди. Ҳали ҳам кеч эмас.**

– Ҳа, таржима ишида кечиктиш бўлмайди. Аммо бўладиган ишнинг вақтида бўлгани яхши.

– **Самимий суҳбат учун раҳмат. Сизга янги ижодий ютуқлар тилайман.**

Суҳбатдош:
Аҳмаджон МЕЛИБОВЕВ

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!

Муножот Йўлчиева ижросида «Муножот» кўшиғи



Кеча келгүмдүр дебон ул сарви гулур келмади, Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади.



Лаҳза-лаҳза чиқтиму чектим йўлида интизор, Келди жон оғзимгаю ул шўши бадхў келмади.

Алишер Навоий гагали

MUASSIS:



2007-йил 11-январда О'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV

(tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV *(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),* Mehridin SHUKUROV *(Mas'ul kotib – «Ishonch»),* Valentina MARSENYAK *(Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farglanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlaragi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangon viloyati – (+998-99) 213-09-66
Samargand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-99) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-98-01
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:

Gulnurbegim ODASHBOYEVA

Musahhirl:

Dilorom XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:

Hasan ABDUJALILOV

Boshiga topshirish vaqti – 19:30

Topshirildi – 20:00

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmilaylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 382 ta

Shundan: 6 788 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –

Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

19 415 nusxasi

«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –

Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

9 179 nusxasi

«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –

Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma tabloq. **Buyurtma G-111**

1 2 3 4 5 6